

ИККИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ****210 Ўзбекистон Миллий университети фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Олий таълим ривожининг жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда юқори малакали мутахассислар тайёрлаш даражаси ва сифатини тубдан ошириш, Миллий университетнинг илмий салоҳиятини янада мустаҳкамлаш, ўқув жараёнининг илмий-тадқиқот фаолияти билан узвий алоқасини кучайтириш, профессор-ўқитувчилар ва талабаларни фундаментал ва амалий тадқиқотлар ўтказишга кенг жалб этиш, шунингдек бунинг учун зарур замонавий инфра-тузилма ва моддий-техника базасини яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Молия вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ва Фанлар академиясининг Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети (кейинги ўринларда — Миллий университет)ни Ўзбекистон Республикаси Миллий университети ва Фанлар академиясининг Ядро физикаси институти негизида қайта ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар Миллий университет фаолиятининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

фундаментал ва гуманитар фанлар соҳасида юқори малакали ўқитувчи ва илмий кадрларни замонавий талаблар даражасида тайёрлаш, республиканинг базавий университети сифатида олий таълимнинг ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришни таъминлаш;

фундаментал илмий тадқиқотлар ўтказиш, илм-фаннинг истикболли, юқори технологияли йўналишлари бўйича мамлакатимиз илмий мактабларини ривожлантириш, илм-фан ва олий таълим соҳаларида етакчи хорижий университетлар ва илмий марказлар билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш;

мамлакат олий таълим муассасаларининг таълим-тарбия, илмий-услубий ва маданий-маърифий фаолиятини мувофиқлаштириш, узлуксиз таълим тизими босқичларининг узлуксизлиги ва давомийлигини таъминлаш;

олий таълим муассасалари ўқитувчилари ҳамда илмий-тадқиқот ташкилотлари мутахассисларини қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш тизимини эътироф этилган халқаро талаблар ва стандартлар даражасида такомиллаштириш.

Белгилаб қўйилсинки, Миллий университет республиканинг математи-

ка, табиий-илмий ва гуманитар йўналишлари бўйича олий маълумотли кадрлар тайёрлаш соҳасидаги таянч олий таълим муассасаси ҳисобланади.

3. Мирзо Улуғбек номидаги Миллий университетнинг янгиланган ташкилий тузилмаси 1-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, зарур ҳолларда, Миллий университетнинг ташкилий тузилмасига тасдиқланган ходимлар сони доирасида ўзгартишлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлигининг:

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Ядро физикаси институтини тугатиш тўғрисидаги;

тугатилаётган Ядро физикаси институтининг Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Улуғбек шаҳарчаси, Хуросон кўчаси, 1-уй манзилидаги биноларига Миллий университет Физика факультетининг мутахассислик кафедралари, лабораториялари, магистратура ва докторантура бўлимларини жойлаштириш ҳақидаги;

Ядро физикаси институтининг бўшаётган бинолари, лабораториялари ва бошқа мол-мулкни ўқув жараёни талабларидан келиб чиқиб, зарур реконструкция ишларини амалга оширган ҳолда илмий-таълим жараёнини ташкил этиш учун Миллий университетга топшириш тўғрисидаги;

Ядро физикаси институтининг илмий-техникавий лойиҳалари, конструкторлик-технология ишланмалари, илмий ускуналарининг зарурлиги ва сақлаб қолишнинг мақсадга мувофиқлигини аниқлаш учун уларни тўлиқ инвентаризациядан ўтказиш, замонавий ускуналарни Миллий университет Физика факультетининг янги ташкил этилаётган лабораторияларига топшириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

5. Миллий университет ҳузуридаги Амалий физика илмий-тадқиқот институти 2016 йилнинг 1 июлидан тугатилсин ва барча илмий лойиҳалар, ускуналар ва бошқа мол-мулкнинг мақсадга мувофиқлигини танқидий таҳлил қилиш якунлари бўйича улар Миллий университетнинг Физика факультетига топширилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Фавқулудда вазиятлар вазирлиги ҳузурида Радиацион хавфсизлик маркази (РХМ) ташкил қилинсин, қуйидагилар унинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

МАГАТЭ ҳамда ваколатли органлар билан ҳамкорликда хавфсизликни таъминлаш ва ядро технологияларини тарқатмасликка оид халқаро стандартларга қатъий мувофиқ равишда Ядро физикаси институтининг ядро реакторини эксплуатациядан чиқариш борасидаги ишларни ташкил қилиш;

республика ҳудудидаги радиоактив материаллар омборхоналарининг лозим даражада сақланиши, утилизация қилиниши ва тугатилишини таъминлаш, шунингдек тегишли тозалаш хизматини ташкил этиш;

республиканинг ядровий ва радиацион хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ амалий ишларни бажариш, шунингдек божхона постларида ва

* 1-илова рус тилидаги матнда берилган.

республика худудида ўрнатилган дозиметрия назорати тизимлари ҳамда бошқа назорат асбобларини экспертизадан ўтказиш;

республика худудида фойдаланилаётган ион нурланиш манбаларини илмий экспертизадан ўтказиш, шунингдек ион нурланиш техникаси манбаларига профессионал хизмат кўрсатиш ва утилизация қилиш.

7. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳузуридаги Радиацион хавфсизлик марказининг тузилмаси 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Тугатилаётган Ядро физикаси институтининг ядро реактори ҳамда ядровий ва радиацион хавфсизликни таъминлаш масалалари билан боғлиқ бошқа объектлари Радиацион хавфсизлик марказига топширилсин.

Радиацион хавфсизлик маркази Ядро физикаси институтининг ядровий ва радиацион хавфсизлик масалалари билан боғлиқ шартномалари ва контрактлари бўйича ҳуқуқий вориси этиб белгилансин.

8. Тугатиш комиссиясининг таркиби 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин, унинг зиммасига Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Ядро физикаси институтини тугатиш, унга тегишли бўлган мол-мулк, ускуна ва биноларни уларнинг функцияларидан келиб чиққан ҳолда Миллий университет ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳузуридаги Радиацион хавфсизлик маркази балансларига топшириш билан боғлиқ ташкилий тадбирларни белгиланган тартибда амалга ошириш вазифалари юклансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги Ядро физикаси институтининг 1956 — 1972 йилларда қурилган объектларини халқаро илмий конференциялар ва семинарлар ўтказишга мўлжалланган замонавий инфратузилмани шакллантирган ҳолда уларни зарур мультимедиа ускуналари ва коммуникациялар билан жиҳозлаш, шу жумладан:

200 ўринли мажлислар зали ва 4 та секция аудиториялари бор маъмурий бинони;

600 ўринли зали бўлган бинони (собик маданият уйи);

таклиф қилинадиган илмий ходимлар учун 30 ўринли меҳмонхона типдаги ётоқхонани капитал реконструкция қилиш учун 2016-2017 йилларда бюджет маблағлари ажратилишини назарда тутсин.

10. Тугатилаётган Ядро физикаси институти ва Амалий физика илмий-тадқиқот институтининг илмий ва муҳандис ходимларини аттестациядан ўтказиш учун 4-иловага* мувофиқ таркибда аттестация комиссияси тузилсин, малакали мутахассислар Миллий университет Физика факультетининг йўналишлар бўйича кафедралари ва лабораторияларига ишга қабул қилинсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Миллий университет билан биргаликда:

ўн кун муддатда Миллий университетнинг янгиланган низомини тасдиқласин;

* 2 — 4-илвалар рус тилидаги матнда берилган.

19 (727)-сон

— 7 —

210-211-моддалар

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда Миллий университетнинг маъмурий-бошқарув ҳамда ўқув-ёрдамчи ходимлари сони ва таркибини тасдиқланган янги ташкилий тузилмага мувофиқ ҳолга келтирсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги мазкур қарордан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги республика бюджети харажатлари параметрларига зарур ўзгартишлар киритсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси билан биргаликда Фанлар академиясининг тугатилаётган Ядро физикаси институтининг бўшаётган ходимларини белгиланган тартибда иш билан таъминлаш чораларини кўрсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б. Ходиев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2016 йил 11 май,
ПҚ-2527-сон